

Муроқабанинг фойдалари | Тазкия дарслари (299-дарс)



19:00 / 22.09.2024 2129

1. Муроқабанинг жаннатни ютиб олиш ва дўзахдан нажот топишдир.
2. Муроқабанинг қиёмат кундаги катта қўрқинчдан омонликдир.
3. Муроқабанинг иймоннинг камоли ва Исламнинг жамолига далилдир.
4. Муроқабанинг самараси Аллоҳ таолонинг муҳаббатидир.
5. Муроқабанинг яхши оқибатнинг белгисидир.
6. Муроқабанинг банданинг солиҳлиги аломатидир.

Бир банданинг ўзининг ҳолини билмоқчи бўлса, камолга етгани ёки етмаганини синамоқчи бўлса, ўз қалбидан мазкур икки мақомни – муроқабани ва

мушоҳадани изласин. Агар қалбида муроқабга ёки мушоҳадани топса, ўзининг тўғри кетаётганини билсин. Мазкур икки нарсадан бирини топмаса, топишга ҳаракат қилсин.

Муроқабга мақоми, яъни Аллоҳ таоло уни кўриб ва эшитиб турганини ҳис қилиш қалб тирик эканининг аломатидир.

Агар қалб хаста бўлса, бу мақомга эришиб бўлмайди.

Зикр ва фикр кўп бўлмаса ҳам, мазкур мақомга эришиб бўлмайди.

Тоат ва ибодатда муроқабга ихлос билан юзага чиқади.

Маъсиятда муроқабга тавба, надомат ва гуноҳдан ажралиб чиқиш билан юзага чиқади.

Мубоҳ нарсаларда муроқабга одобга риоя қилиш билан юзага чиқади.

Неъматлардаги муроқабга шукр билан юзага чиқади.

Мусибатлардаги муроқабга сабр билан юзага чиқади.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.